

ЗАМОНАВИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА МЕТОДИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахрарова Фотима Бахромовна
PhD, O'zbekiston Milliy universiteti
Fransuz filologiyasi kafedrasida dotsenti.
E-mail: fatiman.b83@mail.ru

Аннотация: Хорижий тилларни ўқитишда маълум бир техник ва прагматик қоидаларга қаратилган. Бундай технологиялардан фойдаланиш масалалари билан педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари шуғулланади. Педагогик технологияларни дарсларда замонавий янги усулларда олиб бориш бугунги куннинг талабларидан биридир. Педагогик технология асосан, XX асрнинг 30 йилларида таълим тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва услублар йиғиндисидан иборат.

Калит сўз: чет тил, педагогик технология, услуб, педагогик мастер, педагогик техника, ўқитиш методлари.

Аннотации: Как оказалось, обучение иностранному языку сосредоточено на определенных технических и прагматических правилах. Специфические характеристики педагогических технологий касаются вопросов использования таких технологий. Проведение педагогической технологии на занятиях современными новыми способами является одним из требований сегодняшнего дня. Педагогическая технология в основном состоит из комплекса методов и приемов, помогающих четко и эффективно организовать учебно-воспитательную деятельность в 30-х годах 20 века.

Ключевые слова: иностранный язык, педагогическая технология, метод, педагогический мастер, педагогическая техника, методика обучения.

Abstract: As it turns out, foreign language teaching focuses on certain technical and pragmatic rules. The specific characteristics of pedagogical technologies relate to the use of such technologies. Conducting Pedagogic technology in the classroom in modern new ways is one of the requirements of today. Pedagogic technology mainly consists of a set of methods and techniques that help to clearly and effectively organize educational activities in the 30s of the 20th century.

Keywords: foreign language, pedagogical technology, method, pedagogical master, pedagogical technique, teaching methods.

Чет тилларни чуқур ўрганган, дунё халқлари билан эркин муомала қила оладиган, ўз юрти, халқи, давлати манфаатларини юксак билим ва иқтидор билан ҳимоя қилишга қодир мутахассисларгина бундай улкан глобал муаммоларни ечишга қодирдирлар¹¹⁶. Зеро, “бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаётган, интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда буюк келажагини кураётган

¹¹⁶ Сирожиддинов Ш. Чет тилларини ўқитишда лингводидактика. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” Илтий-методик электрон журнал. №1 /2014.

халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир»¹¹⁷.

Замонавий тилни ўқитишда Педагогик технологияларни дарсларда замонавий янги усулларда олиб бориш бугунги куннинг талабларидан биридир. Педагогик технология асосан, XX асрнинг 30 йилларида таълим тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи методлар йиғиндиси бўлган. Бу эса “педагогик техника”, уни амалга оширувчи “педагогик мастер” (педагогик маҳорат маъносида) номини олиб, ўша даврда таълимнинг энг самарали тадбири ҳисобланган. Ҳар қандай фанни ўқувчига етказиб беришда усуллар муҳим роль ўйнайди. Ж.Ғ.Йўлдошев ва С.А.Усмоновларнинг фикрича, *ҳаракатларни амалга ошириш тизими усул деб танланган, маълум йўлдан фойдаланган ҳолда олдиндан кўзда тутилган мақсадга эришиш учун қўлланиладиган ҳаракат усулларига айтилади*¹¹⁸.

Лекин, ўқитишнинг техник воситаларини рус олимлари ТСО (Технические средства обучения) деб аташган. ТСО – ўқитиш усули, педагог ва талабалар томонидан ўқув жараёнида фойдаланиладиган турли хил объектлардир. Ю.К.Бабанский фикрича, “... *фаолият мақсадига эришишга ёрдам берадиган барча нарсалар, яъни услублар, шакллар ва махсус ўқув қўлланмалар тўплами, техник ўқув қўлланмалар дарс ёки дарснинг мақсадларига қараб белгиланади*”¹¹⁹, деб таъриф берган.

Т.Н.Ажгибкова таълимотида ТСО - техник қўлланмалари ўқув жараёнини оптимallasштириш мақсадида уни тақдим этиш ва қайта ишлаш учун ишлатиладиган дидактик қўллаб-қувватланадиган техник воситалар тўплами. ТСО номидан кўришиб турибдики, бу ўқув материалларини, яъни турли хил маълумотларни етказиб берувчи. Улар бизнинг таълим жараёнимизда кенг қўлланилиб келинапти.

Халқ педагогикаси халқнинг ўзи яшаб турган заминда аста-секин юзага келган мақол, ибора, матал, эртак, қўшиқ каби халқ ижодий ёдгорликларида ўз ифодасини топган. Ўзбек файласуфлари жаҳон фани ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшишга муваффақ бўлганлар. Масалан: Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби машҳур олимлар ўз илмий ва бадиий асарларида таълим тарбия усуллари ҳақида кўплаб илғор ғояларни илгари сурганлар.

Илмий тадқиқот методлари қонуниятлари алоқаларнинг боғлиқликларини аниқлаш ва илмий назариялар яратиш мақсадида илмий ахборот олиш усули саналади. “Метод” сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради. Бизнинг фикримизча, методик адабиётларда “ўқитиш методлари”, “таълим методлари” деб юритиладиган бу тушунчани “ўргатиш методлари” деб аташ асосли. Чунки ҳар қандай соҳа мутахассиси бўлиш учун, аввало, *УҚИШ* (тушуниб ўрганиш) орқали ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши мумкин¹²⁰.

¹¹⁷ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1998.

¹¹⁸ Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Т.: Fan va technology, 2008.

¹¹⁹ Аствацатуров Г. О. Дизайн мультимедийного урока. – Волгоград. Учитель, 2010.

¹²⁰ Педагогика. (Мунавваров А.Қ. - умумий таҳрири остида) – Т.: Ўқитувчи, 1996.

Ч.К.Фриз ва Р.Ладо фикрларига кўра, чет тил амалий ва таълимий мақсадда ўрганилади¹²¹.

Профессор И.В.Рахманов таърифича, “Метод – мақсад сари йўналтирилган система бўлиб, бу тушунчалар бир-бирлари билан шартли боғланган усуллардир”¹²².

И.В.Рахмановнинг таърифига қўшилган ҳолда, чет тил ўқитиш усулларни ўқувчига бор маҳорати билан етказиб бера оладиган мутахассисни тушунамиз.

Олимларнинг фикрига кўра чет тилни ўргатишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар, жумладан, қуйидаги ўргатиш методлари кўпроқ қўлланилган.

1. Грамматик таржима методи.

Агар чет тил ўқитиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг аввал, грамматик-таржима методи шаклланганлигига гувоҳ бўламиз. У икки кўринишда бўлган: лексик таржима ва текстуал (матн) таржима. Замонавий малакали мутахассисдан чуқур билим касбий маҳорат билан бирга компьютер саводхонлиги ва албатта чет тиллардан бирини билиш талаб этилади, чунки у ўз меҳнат фаолиятида хорижий манбаларда чоп этилган ўз касбига оид материалларни ўқиб, таржима қила олиши, уни амалиётга тадбиқ қила билиши, хорижлик ҳамкасби билан ишга доир фикр алмаша билиши керак. Бунинг учун замонавий мутахассис маълум даражадаги сўз бойлигига эга бўлиши лозим, шундагина у хорижий тилдаги матнни ўз она тилига таржима қила олиши ва фикрини хорижий тилда ифодалай билиши мумкин, шунинг учун ҳам таржима чет тили ўқитиш методикасида муҳим ўрин эгаллаб келган.

2. Лексик таржима методи.

Лексик таржима методида асосий эътибор лексик birlikлар (сўзлар) ва бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлиши шарт бўлмаган гапларни таржима қилишга қаратилади. Бу кўпроқ сўзларни гапларда ишлата билиш кўникмаларини шакллантиришда машқ қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу методни тил кўникмалари интеграцияси каби фанларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Уэст методи.

М.Уэстнинг методи қуйидаги тамойилларга асосланган: 1. Ўқувчи икки тилни билиши учун инглиз тилини ўқишдан бошлаб ўрганиши керак. 2. Чет тилни ўргатишнинг энг осон усули ўқишдир. 3. Ўқувчи ўқиш орқали чет тилини ўрганаётганда тезда муваффақиятга эришади. 4. Ўқувчи ўқиш орқали чет тилни ўрганаётганда ўқитувчининг тажрибаси, маҳорати муҳим эмас. 5. Ўқувчи инглизча ўқиш малакасини эгаллай олса, бошқа малака кўникмаларини мустақил ўрганиб кета олади. М.Уэст сўз маъносини очишда она тилини, таржимани қўллашга қарши эмас эди. Ўз методи асосида қўлланма ва дарсликлар яратди, уларни амалда қўллаб кўрсатди. Бугунги кунда, уни таржима назарияси ва амалиёти фанларида қўллаш мумкин.

4. Аудио-лингвал методи.

Тўғри методнинг замонавий кўринишидан бири. Бу метод лотин ва олмон сўзларидан ўзлашган (audire – hören – тингламоқ, lingua – zunge, rede, sprache – тил). Олмон тилига тинглаш, гапириш, деб таржима қилинади. Бу метод филологияда ҳам, нофилологик йўналишларда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Замонавий таълим стандартлари асосида

¹²¹ Жалолов Ж Чет тил ўқитиш методикаси. - Тошкент “Ўқитувчи”, 1996.

¹²² Рахманов И.В. Очерк по истории методов преподавания новых иностранных языков. Автореф. докт. дисс. - М.: 1949 основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX-XX вв.

аудио-лингвал метод билан дарс олиб бориш талабада фанга бўлган қизиқишни кучайтиради.

5. *Аудио-визуал методи.*

Бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам кўриб идрок қилиш. Бунда тингловчи уни қандай эшитиш ва қай ҳолатда тинглашига боғлиқ. Асосан, чет тилларни ўрганишда кўпроқ қўлланади. 3-4 курс талабалари синхрон таржима фанларида қўлласа самарали натижаларга эришади.

6. *Онгли қиёслаш методи.*

Чет тилни она тилига суянган ҳолда нутқ фаолияти турларини қўллаш. Фикрлашнинг бу тури Эдвард де-Боно томонидан ишлаб чиқилган. Одатда, биз амалий масалани ечиш йўлида қийинчиликларга рўбарў бўламиз. “Олти қалпоқча” усули бундай қийинчиликларни енгиш жараёнини олти босқичда амалга оширишнинг оддий йўлини таклиф этади. Ҳар бир босқич ўзининг рангли қалпоқчасига эга. Яъни, биз ҳамма нарса ҳақида бирданга эмас, балки навбатма-навбат фикр юритамиз, натижада муаммонинг тўлақонли ечимига эришамиз. Оғзаки нутқ кўникмалари фанида талабанинг эркин фикрлашида ўзига бўлган ишончни кучайтиришда самарали метод.

7. *Коммуникатив методи.*

Ўқитувчининг талабалар ва жамоа билан педагогик мақсадга қаратилган муносабатни ўрната олиш кўникмаси.

8. *Проблемали (муаммоли) ўқитиш методи.*

Интеллектуал фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган вазият. Сиёсатшунослик, юриспруденция, жиноий жавобгарлик каби фанларда талабаларнинг бир-бири билан дискуссияга киришишида бу метод яхши самара беради.

9. *Интенсив методи.*

Машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, у шунчалик тез ўзлаштиради.

М.Уэст методи (Michael West) оғзаки нутқ ва ўқишни ўрганиш ҳамда ўқув луғатларини тузишда илмий хизмати катта.

Фикримизча, бу методларнинг вужудга келишида, шубҳасиз, педагогика, психология, шахс психологияси, лингвистика, психолингвистика фанларининг ривожланиши ва таъсири катта бўлди. Чет тилни ўргатиш методлари ҳақидаги турли-туманлик методист олимлар орасида ҳамон ягона фикр йўқлигидан далолат беради. Масалан, И.В.Рахманов ва М.В.Ляховицкийларнинг фикрича, чет тилни учта умумий метод орқали ўргатиш мумкинлигини тадқиқотларимиз давомида ўрганиб чиқдик:

1. Намойиш қилиш (демонстрация) методи;
2. Тушунтириш методи;
3. Машқ ишлатиш ёки амалий ишларни ташкил қилиш методи.

Академик олим Р.К.Миньяр-Белоручев мазкур уч методни бошқача атамалар орқали номлашни маъқул кўрган¹²³:

1. Тушунтириш методи;
2. Кўрсатиш методи;
3. Мустаҳкамлаш методи.

И.Л.Бим эса, ўргатиш методларини қуйидагича тўрт усулда таснифлайди:

1. Кўрсатиш;

¹²³ Чет тил ўқитиш методикаси ишчи ўқув дастур. Қарши давлат университети. 2006.

2. Тушунтириш;
3. Машқ бажартириш;
4. Малакаларни амалда қўллаш.

Бу машхур уч методист олимлар Р.К.Миньяр-Белоручев, И.В.Раҳманов ва М.В.Ляховицкийларнинг усуллари маъно жихатидан бир-биридан фарқ қилмайди.

Б.И.Пассов, И.М.Маҳмудовлар асарларида методларнинг сони кўпайтирилади:

1. Тушунтириш методи (рецептив метод ёки кўргазмали тушунтириш методи);
2. Репродуктив метод;
3. Муаммоли (проблемали) ўқитиш методи;
4. Эвристик суҳбат методи;
5. Илмий изланиш ёки илмий тадқиқот ўтказиш орқали ўргатиш методи.

Бундай турли-туман таснифланишда ўргатиш методлари, усуллари, тамойиллари ўзаро аралаштирилиб юборилгандай. Шу сабаб юқорида келтирилган барча методларни ўзида мужассамлаштирувчи Р.К.Миньяр-Белоручевнинг таснифини тадқиқотимиз давомида маъқул, деб топдик.

Тахлилларимиз давомида Р.К.Миньяр-Белоручев назариясига қўшилган ҳолда, умумий хулосага келиб, унинг таснифидаги ўргатиш методларининг умумий хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Демак, дарс жараёнининг самарадорлиги педагогни ўқув фаолиятини ташкил қилиши ва бошқаришга йўналтирган фаолияти қай даражада яхши режалаштирилганига, бу режа қандай амалга оширилганлигига боғлиқ, деган фикрга келдик. Замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш усулларининг назарий шаклланиши тарихий муддат оралиғида ўрганилаётган муаммо доирасида таҳлил қилишда кечади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент 1998.
2. Сирожиддинов Ш. Чет тилларини ўқитишда лингводидактика. «Ўзбекистонда хорижий тиллар» Илтий-методик электрон журнал. №1 /2014.
3. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. «Fan va technology» Т.: 2008.
4. Аствацатуров Г. О. Дизайн мультимедийного урока. – Учитель. Волгоград. 2010.
5. Sadullaeva N., Sapaeva D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 452-459.
6. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
7. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3008-3020.
8. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.

9. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(S1), 573-578.
10. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – T. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.
11. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
12. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883-2889.
13. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
14. Ithomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
15. Ithomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into “Historical Memory” in French and Uzbek Linguistic Traditions." *American Journal of Public Diplomacy and International Studies* (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
16. Ithomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing “Historical Memory” In Uzbek and French Languages." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
17. Ithomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development* 2.11 (2023): 490-492.
18. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." *Академические исследования в современной науке* 2.17 (2023): 165-169.
19. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." *Academic research in educational sciences* 3.5 (2022): 1176-1182.
20. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(6), 879-884.
21. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." *O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI*, 2023,[1/4] (2023).
22. Ажгибкова Т.Н. Технология применения аудиовизуальных средств обучения в вузах // *Инновации в образовании*. - 2004. - № 2. - 111-123 с.
23. Педагогика. (А.Қ.Мунавваровнинг умумий тахрири остида) Ўқитувчи, Тошкент, 1996. – 9 б.
24. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. “Ўқитувчи” Тошкент 1996.
25. Рахманов И.В. Очерк по истории методов преподавания новых иностранных языков. Автореф. докт. дисс.: - М.: 1949 основные направления в методике преподавания иностранных языков в XIX-XX вв.